

## Афғонистонда «Хойрул-мударрис Имом Бухорий» номидаги мадраса қурилади



10:47 / 24.08.2024 1243

Ўзбекистон Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳридаги «**Хойрул-мударрис Имом Бухорий**» мадрасаси қурилишини молиялаштиради. Бу ҳақда [tolonews.com](http://tolonews.com) манбаси хабар берди.

Жорий йилнинг 21 август куни Балх вилояти губернатори ўринбосари Нурул-Ходий Абу Идрис ва Ўзбекистоннинг Афғонистондаги бош консули Фарҳод Назаров қурилишнинг бошланиш маросимида иштирок этган.

Режага кўра, мадраса 0,6 гектар майдонни ташкил этиб, минг нафар талабага диний таълим беради. Унинг қурилиши Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги раҳбари Бахтиёр Саидов ва «**Толибон**» етакчилари ўртасида жорий йилнинг 12-13 март кунлари бўлиб ўтган музокаралар доирасида

келишиб олинган эди.

**«Мадраса Балх ҳокимининг илтимосига биноан қурилмоқда. Биз бу лойиҳага бир йил вақт ажратдик, шу вақтгача у тугалланади»,** деди Назаров. Бош консулнинг маълум қилишича, мадраса қурилишига 6 миллион доллар сарфланади.

**«Худо хоҳласа, ушбу мадрасанинг ташкил этилиши Афғонистон ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлайди»,** деди Балх вилояти таълим бошқармаси бошлиғи Абдужалил Шаҳидхил.

Бош консул, шунингдек, Ўзбекистон тез орада Афғонистон фуқаролари учун таълим ва бизнес визаларини беришни қайтадан бошлашини қўшимча қилди.

